

Огахий (тахаллуси; тўлик исм-шарифи Мухаммадризо Эрниёзбек ўгли) (1809.17.12, Хива яқинидаги Киёт кишлоги — 1874.14.12) — шоир, тарихчи, таржимон. Мироб оиласида тугилган. Хива мадрасаларида тахсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машхур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг суҳбатларида иштирок этган. Шарк классиклари асарлари, айникса, Навоий ижодини кунт билан ўрганган. 1829 йилда амакиси ва устози Мунис вафот этгач, Хива хони Оллокулихон (1825—42) Огахийни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан Огахий халк хаёти ва сарой ишлари билан шугулланган. Кизгин ижтимоий-сиёсий меҳнат билан машғул бир пайтда оддан йикилиб, оёғи «шакарланг» (шол) бўлиб колган (1845). 1857 йилдан мироблик вазифасидан истеъфо берган. Умрининг охиригача моддий мухтож, гамгин, касалманд ахволда кун кечирган. Огахий халк орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машхур. Умрининг охириги йилларида тузган лирик куллиёти — «Таъвиз ул-ошикин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 газал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 китъа, 80 рубоий, 10 туюк, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 бахри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшук савол-жавоби, 20 таърих, 19 касида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи билан Огахийнинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишк мавзуи туради. Огахий ижодининг мавзу доираси кенг. Аммо у қайси мавзуга мурожаат қилмасин, ишкни четлаб ўтолмайди. Ишк унинг каламида мавзуни ёритишда, гоёки илғари суришда асосий бадиий восита; шеъриятида ишк — иймон, эътиқод, ватан, заковат тимсоли каби лирик қахрамоннинг ўй-кечинмалари, фаолияти, дунёқарашини ҳаракатлантирувчи куч. Огахий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. Шоир ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадиий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, бако берганда, инсонпарварлик, халқпарварлик нуктаи назаридан ёндашган. Огахий жанр имкониятларига ижодий ёндашиб, уларни такомиллаштирган: ўзигача бўлган 7—8, 10—12 байтли гъазал ёзиш тартибини 23 байтгача етказган, мустазод жанрининг кўш орттирма мисрали янги шаклини кашф этган:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
бир ошики хайрон,
дийдорига шайдо,
Бир шуйфтадур кокили мушкулинга сумбул
хам холи паришон,
хам бошида савдо.

Шоир арузнинг жуда кўп бахрларидан фойдаланган. Унинг газаллари «Шашмаком»нинг ҳамма куйларига тушади, Хоразм халқ охангларига мос келади. Огахий «Риёз уд-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845—46), «Жомеъ ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шохиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва бошқа тарихий асарларида Оллокулихон, Раҳимкулихон (1843—46), Мухаммад Аминхон (1846 — 55), Сайид Мухаммадхон (1856—64), Мухаммад Раҳим ИИ (1864—1910) ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман,

коракалпок, козок халкларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг бошка хонликлар билан муносабати ва бошка тарихий воқеалар акс этган.

Огахийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан сугорилган гоёлари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир килган. У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишлаб касидалар ёзган. Огахийнинг «Касидаи насихат» асари Ферузга бағишланган. У ўз насихатларида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриklarини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўллари билан белгилаб беради. Касида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг сиёсий-маърифий қарашлари ёркин акс этган. Огахий фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустақамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ химматли, шижоатли, адолатли, гайратли, саховатли, ҳаёли, соф ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Хукмдор шу фазилатларга эга бўлса, унинг ҳокимияти камол топади, мамлақати фаровон бўлади, деган фикрни илғари суради. Огахий давлатни бошқаришнинг йўллари хам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шох шарият аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва гийбатдан, гафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чакимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак. Феруз Огахийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб, арзхоналарга қўйдирган, кўп эзгу ишларни амалга оширган. Шу боис хам Огахий тарихий асарлари бадиий наср сифатида хамда 19-аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлар сифатида қимматлидир. Огахий «Равзат ус-сафо» (Мирхонд), «Тарихи жаҳонқушойи Нодирий» (Мухаммад Маҳдий Астрободий), «Бадозъ ул-вақоъъ» (З. Восифий), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд бинни Шайх Али Гиждувоний), «Табакоти Акбаршоҳий» (Мухаммад Муқим Хиротий), «Тазкираи Муқимхоний» (Мухаммад Юсуф Мунший), «Равзат ус-сафойи Носирий» (Ризоқулихон Хидоят), «Ахлоқи Муҳсиний» (Қошифий), «Қобуснома», «Зубдат ул-хикоёт», «Шарҳи далоил ул-хайрат» (Мухаммад Ворис), «Қулистон» (Саъдий), «Юсуф ва Зулайҳо» (Жомий), «Шох ва гадо» (Хилолий), «Ҳафт пайқар» (Низомий) ва бошка тарихий-бадиий асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. Огахий «Ҳафт пайқар»ни насрий йўл билан, «Қулистон»ни қисқартириб, қенг қитобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. «Юсуф ва Зулайҳо» хамда «Шох ва гадо» дostonларини эса байтма-байт таржима қилиб (қиреш қисмидан ташқари), аниқ ижодий таржима намунасини яратган. «Мифтоҳ ут-толибин» (инв. ?8473), «Равзат ус-сафойи Носирий» (Д-125), «Табакоти Акбаршоҳий» (ТНС—106), «Тазкираи Муқимхоний» (ТНС—105), «Фирдавс ул-икбол» (С—571), «Шоҳиди икбол» (С—572), «Юсуф ва Зулайҳо» (ТНС—117), «Таъвиз ул-ошиқин» асарларининг қўлёзма нусхалари Тошқент, Душанба ва Санкт-Петербургда сақланади. «Зафарнома» (Али Яздий), «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол» (Жомий), «Ҳашт беҳишт» (Хусрав Дехлавий) асарларининг Огахий таржимаси ханузгача топилмаган.

«Таъвиз ул-ошиқин» Хивада тошбосмада нашр этилган (1905—09). Ўзбекистонда қўчалар, мактаблар, Хоразм вилояти мусикали драма ва комедия театри, истироҳат боғи ва бошка муассасаларга Огахий номи берилган. Қиёт қишлоғида Огахий боғи ташқил этилиб, шоирнинг уй-музейи очилган; музей олдида Огахийга ҳайқал ўрнатилган.

Нусрат Жумаев

* * *

Ошик ўлдинг,эй кўнгул,жонинг керакмасму санга?
Ўтга кирдинг жисми урёнинг керакмасму санга?

Истабон ул юз тамошасини кўздин дамба-дам,
Кон тўкарсан чашми гирёнинг керакмасму санга?

Хардам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,
Кил хазарким накди имонинг керакмасму санга?

Лутфунг этдинг хаста кўнглимдин дариг, эй шохи хусн,
Бу гадои зори хайронинг керакмасму санга?

Ўзгаларга илтифотинг айладинг махсус, бу
Мустахик лутфу эхсонинг керакмасму санга?

Сел гамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким бу хонавайрининг керакмасму санга?

Огахий холин кўруб доим тагофил килгосан,
Шоири донои давронинг керакмасму санга?

* * *

Мушкин кошингнинг хайъати ул чашми жаллод устина,
Катлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

Килгил томошо комати, зебоси бирлан оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлгонин пайванд шамшод устина.

Нозу адо-ю гамзаси касдим килурлар дам-бадам,
Вах, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.

Ман хастага жон асрамок эмди эрур душворким,
Котил кўзи бедод этар хар лахза бедод устина.

Ул гул юзи шавки била шайдо кўнгул шому сахар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Бошимга ёггон гам тоши мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёгдурса Фарход устина.

Эй шах, карам айлар чоги тенг тут ямону яхшини -
Ким,мехр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жахонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг куруб бод устина.

Не журъат ила Огахий очгай огиз сўз дергаким,
Юз хайли гам килмиш хужум ул зор ношод устина.

* * *

Манга зулм айлаб ул котил аён охиста-охиста,
Чекиб тигини айлар касди жон охиста-охиста.

Жафоси зўридин икки кўзимдан окди дарёлар -
Ки, колгой остида онинг жахон охиста-охиста.

Улусга айлаган зулмин кўриб ондин хазар килмай,
Келиб чекдим жафосин ман ёмон охиста-охиста.

Бўлур хажрида зиндон гар манинг манзилгахим бўлса,
Гулистон балки гулзори жунон охиста-охиста.

Тўла буржом тут лутф айлаб,эй сокийки, бу гамдин
Кутулгойман ичиб ман нотавон охиста-охиста.

Вафо йўк дахр богининг гулига берма кўнглунгни,
Бугун тонгда кетар, эй богбон, охиста-охиста.

Эмас гардунда раъд овозиким хижрон туни ичра,
Эрур ул Огахий чеккан фигон охиста-охиста.

* * *

Ул юзи гул нигорнинг мехри жамолини кўринг,
Мехри жамоли устида икки хилолини кўринг.

Икки хилолини кўруб конмаса мехрингиз агар,
Сафхайи орази уза нуктайи холини кўринг.

Нуктайи холини кўруб сабр эта олмас эрсангиз,
Хусну жамоли богида кадди ниҳолини кўринг.

Кадди ниҳолини кўруб кўнглунгиз этмаса карор,
Жон кўзи бирла бокибон лаъли зилолини кўринг.

Лаъли зилолини кўруб жонингиз этса изтироб,
Чораи холингиз учун шахд маколини кўринг.

Шахд маколини кўруб топмаса чора холингиз,
Нуктага лаб очар чоги гунжу далолини кўринг.

Гунжу далолини кўруб истасангиз муроди дил,
Огахийдек кучуб белин айши камолини кўринг.

* * *

Вах,не балодур билмадим,эй дилрабо,кошу кўзинг -
Ким,бир назарда солди ўт жоним аро кошу кўзинг.

Олди карору токатим ок сийнаю нозик белинг,
Солди каро тун бошима икки каро кошу кўзинг.

Жонимга кўйди доглар рашк ўтидин холи лабинг,
Кўнглумга еткурди туман дарду бало кошу кўзинг.

Хар юз ўликни тиргузур лаълинг аро ширин сўзинг,
Хам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо кошу кўзинг.

Кошу кўзинг бедодидин дод айласам эрмас ажаб -
Ким,не жафолар килмади охир манго кошу кўзинг.

Хусн ахли шохисен бори ошикларинг ўлтургали,
Гўёки жаллоди килич бўлмиш санго кошу кўзинг.

Ман зори хайронинг нечук девона бўлмай, эй пари,
Ким, аклу хушим айлади мендан жудо кошу кўзинг.

Йўктур манга ишкинг аро юрмок тирик имкониким,
Жонимни ё кадди юзунг олгуси,ё кошу кўзинг.

Кошу кўзинг иймисидин бўлди киёмат ошкор,
Кўёки олам офати килмиш худо кошу кўзинг.

Эл катилини касд айлабон мастона килгач бир назар,
Солди жaxonга нолаи ва хасрато кошу кўзинг.

Айлай хаётим накдини хар дам нисору садкаси,
Ёшурмагил ман зоридин айлаб хаё кошу кўзинг.

Мажлис фазосида усул этган чоги раккос ўлуб,
Бир гамзада юз жон олур,эй махлико, кошу кўзинг.

Ширин лабингдан Огахий жисмига жон берким, они
Ўлтурди бир имо килиб боккач киё кошу кўзинг.

* * *

Дарди дилим анго дедим,дема они манго деди,
Ким манга ошик ўлса ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки наргисинг вах,не бало каро дедим,
Кўнглунгу жонинг олгувчи икки каро бало деди.

Лабларинг огзума етур жон топайин анго дедим.
Лаъли табассум айлабон йўкму ўлим санго деди.

Хуснингга айлайин назар ман сори бир кара дедим,
Ёшурибон юзин кет,эй масхара,беҳаё деди.

Бўса лаби савоб учун айла манга ато дедим,
Кошу капогини читиб кўй бу сўзинг хато дедим.

Вах, недин эркон этмогунг хеч вафо манго дедим,
Зохир ўлубдурур қачон хусн элидин вафо деди.

Хаста кўнгулга килгосан мунча недин жафо дедим,
Дема жафо ани сенинг дардингадур даво деди.

Огахий комини недин айламагунг раво дедим,
Ким топарму жонни ул килмогуча фидо деди.

* * *

Ашкима гар канора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Охима хеч шумора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Хардам улусга лутф ила бокгуси қахр ила, вале
Ман сори бир назора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишк эли кўнгли дардига чора килур,вале менинг
Дарди дилимга чора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Хажрида заъфим ўйлаким, охи хазиним ўтига,
Шуъла била шарора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима,вахки кошидин
Катлима бир ишора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйига борсам этгуси васлига ваъда, ул доги
Бўлгуси бора-бора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толейи равшан ўзганинг лутфи кўеши нуридин,
Мен киби бахти кора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси исикъ хулкга меҳр ёр карам,
Манда исиг ситора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубтур Огахий ашки канорасиз, деди:
Ашкима гар канора йўк, бўлмаса бўлмасун, нетай.

* * *

Ваҳки, мандин ёшури ёр ўзгаларга ёр экан,
Кечалар хилвар аро базми нихони бор экан.

Хотиримни зохиран юз ваъдадан хушнуд этиб,
Ботинан кўнгли хамиша мойили агёр экан.

Ошкоро тил учи бирла бўлиб мойил манга,
Конгли майли ўзга элга ёшурун бисёр экан.

Дев сийрат муддаийлар сори рағбат кўргузуб,
Мен хазину бедилу бечорадин безор экан.

Хар кеча ишрат майин нўш айлабон авбош ила,
Тонггача масти шароби соғари саршор экан.

Чун нихон агёр ила базм этмиш ул султони хусн,
Фахм килдимким, анга ман хаста кулдин ор экан.

Кўнгли сандин ўзгаларга роғиб ўлмиш, э й кўнгул,
Умрлар ишкида меҳнат чекканинг бекор экан.

Ошикиким топса хосид гар онинг ёрига курб,
Бу жахон ичра тирик юрмак анга душвор экан.

Ёр топмишлар ракибу муддаийлар олида,
Огахий, эмди санга ул кўй аро не бор экан.

АЛИШЕР НАВОИЙГА МУХАММАС

Фалакким яхшилар базмида кадримни баланд этмас,
Дами йўкким ямонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу хасратдин кўзим ашки йўлин бир лахза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатида аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фигонким дахру дун ичра рафики топмадим огах,
Каён борсам бўлурлар гулвашлар хамдаму хамрах,
Тиларлар бахра мандин, мен тилаб топман биридин, вах,
На бахра, топгоман ондинки мандин истагай бахра,
Ўзи хам бахраманд ўлмас, мани хам бахраманд этмас.

Кўзи захри эса хар нечаким мойил мамотимга,
Лаби шахди эди рогиб ўлимдин хам нажотимга,
Бу дам восил иймон ул котили Исо сифотимга,
Нетой хуру пари базминки катлим ё хаётимга,
Аён ул захр чашм айлаб нихон бу нўш ханд этмас.

Чико олмай кўнгул хайрондур усру шому фуркатдин,
Тўкар ашкани кўз хам интизори субх васлатдин,
Иложи бўлмаса ул махваши хуршид талъатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим хусну малохатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Бугун чобаклар ичра йўк эди ул шахсуворимким,
Бирини килмади манзур чашми ашкборимким,
Губор осо нетонг гар колмаса сабру кароримким,
Керак ўз чобаку котилвашу мажнун шиоримким,
Бузук кўнглимдин ўзга ерда жавлон саманд этмас.

Савод зулфини кўргач юмар Огахий тун деб кўз,
Юзига нозир ўлгоч хам тутар кўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул, хайратга колма кўрмас они не учун кўз,
Ул ой ўтлуг юзин очса Навоий тегмасун деб кўз,
Мухаббат тухмидин ўзга ул ўт узра писанд этмас.

РУБОИЙЛАР

1

Зарра учубон найири аъзам бўлмас,
Ер болиш этиб авжи фалак хам бўлмас,
Инсон аро нодонни билинг хайвондур,
Хайвон неча зўр айлса одам бўлмас.

2

Вахким, яна зулмини аён этти фалак,
Багримни хажр аро кон этти фалак,
Кўз йўлидин ул конни равон этти фалак,
Охир манга кўрки касди этти фалак.

3

Килмок била парвариш тикон гул бўлмас,
Хам тарбият ила зог булбул бўлмас,
Гар асли ямонга яхшилик минг килсанг,
Яхшилик онинг нияти билкул бўлмас.

4

То тушти фирок ўтига бемор кўнгул,
Юз дарду гаму аламга дучор кўнгул,
Даврон ситами тигидин афгор кўнгул,
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул.

ТУЮКЛАР

1

Гам юки то коматим ё килмади,
Охим ўтига фалак ёкилмади,
Килмади раҳми манга,худ ўзгага,
Билмадимким килдиму ё килмади.

2

Дўстлар, хамрохлиг айлаб борингиз,
Тунд хў ёрим қошига борингиз,
Бир кеча базмимга келтурмок учун
Бош оёкига кўюб ёлборингиз.

3

Дард захри солди чинлар қошима,
Келмади холим сўрарга қошима,
Гам юкин чекмакда, эй дил,чобак ўл,
Харгиз ушбу ишда бошинг қошима.

4

Чехрасининг гарчи мухрак нори бор,
Бергуси доим ниhoли нори бор,
Сигмогун базмим аро, эй муддаий,
Телмуриб турма бу ерда,нори бор.

